
МАРҒИЛОН ШАҲРИДА “МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАСКАНИ” БИНОСИ Фойдаланишга топширилди

Сўнгги икки йилда Фарғона вилоятида 9 та ҳудудда замонавий Маънавият ва маърифат масканлари ташкил этилди.

Марғилон шаҳридаги “Узумзор” МФЙ ҳудудида жойлашган ва бугун фойдаланишга топширилган Маънавият ва маърифат маскани ҳам ана шуларнинг бири бўлди. Бу ерда 29-умумтаълим мактабининг бўш, фойдаланилмасдан турган уч қаватли биноси қайта таъмирланди, жиҳозлаш ишлари учун қўшимча 400 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Эндиликда ушбу масканда турли танловлар, маънавий-маърифий тадбирлар, ижодий учрашувлар, китоб тақдимотлари ўтказиш мумкин. Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилар, ҳунармандлар учун алоҳида хоналар ажратилган. Тасвирий санъат, мунчоқли безаш каби ўндан ортиқ тўғараклар фаолияти йўлга қўйилди. Анжуманлар залида эса турли тадбирлар ташкил этилади. Бой китоб фондига эга кутубхона марғилонликлар ихтиёрида.

Бинога кириш қисмида Республикамиз ва вилоятимиз ҳудудларидан етишиб чиққан алломалар, шоир ва ёзувчилар ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берувчи композиция жойлаштирилган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-10-14 19:13:42